«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

# Ўзбекистон кўзимизда ёнган шамдир

## ОНА ЮРТ

Ўғлон, дунё ёдида ёмон бўлиб қолмагин.
Кўнгил кўзига тушган сомон бўлиб қолмагин,
Юртим учун яшайман деган сўзни хуш айтиб,
Ёв келганда ўқи йўқ камон бўлиб қолмагин.

Худо берса қомати, кўрки бўлсин йигитнинг,
Вале қалқон тутгувчи кўкси бўлсин йигитнинг,
Ватанида вазни бор одам отдан тушмагай,
Юртида хуш ҳаводан кўкси тўлсин йигитнинг.

Ота юрт бу, она юрт, шаъни яшар жонингда,
Момо ернинг иси бор ушатилган нонингда,
Юрт чироғин шуъласи юзингга тушиб турар,
Унутма, боқий бахтинг, шу Ўзбекистонингда.

Боғингдаги ғунчани зоғлардан қўриқлагин,
Миллатнинг гулдай кўнглин доғлардан қўриқлагин,
Осмонингга ой чиқса, офтобингга етгунча,
Икки кўзингни ўғлон ёғлардан қўриқлагин.

Ўзбекман деганингда беклигинг ёдда турсин,
Шоҳингни шохдек асра, ёвларинг мотда турсин,
Алпомиш авлодисан шу Ватан тупроғида,
Гар ўзинг пиёдасан ғуруринг отда турсин.

## ОРОМИНГНИ ОГОҲЛАРИНГ ҚЎРИҚЛАЙДИ

Бу қабоҳат яралади қалбим маним,
Ватанфуруш мардларга тик йўлиқмайди.
Оллоҳ шоҳид, энди халқим, жон Ватаним,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Одам яшар, сўз яшайди армон деган,
Шу ўғлингдек бўлур асли султон деган.
Жон керакми, жоним сенга қурбон деган,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Ўзбекистон кўзимизда ёнган шамдир,
Шаҳидларинг киприклардан тушмас намдир,
У отамдир, у онамдир, у боламдир,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Нони қаттиқ, майли оши ёвғон бўлган,
Мардлар доим юрти учун қалқон бўлган,
Ким айтибди, сотқин каслар инсон бўлган,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Биз бир эмас, бизлар юз минг, биз миллионмиз,
Биз ўзбекмиз, биз Темурий Туркистонмиз,
Бизлар ҳам ҳур туғилғонмиз, биз Чўлпонмиз:
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Жоним Ватан— жонимизнинг чашмасисан,
Сен онамнинг оппоқ сочи, кўз қошисан.
Миллатимнинг энг кексаси, энг ёшисан,
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

## УЛУҒЛИК

Миллат улуғлиги мақтовда эмас,
Эл қадри эл суйган паловда эмас,
Ирмоқлар интилса дарё қуримас,
Оқар дарёларни кўргим келади.
Сўнмас зиёларни кўргим келади.

Кимни маст қилмаган ишқнинг шароби,
Сўзлар бор ҳикмати кўнгил офтоби,
Беш асрким қўллардан тушмас китоби,
Ҳазрат Навоийни кўргим келади,
Назми шифоини кўргим келади.

Дилозордан тилда талх қолар экан,
Яхшисан, олқишлаб халқ қолар экан,
Элим, обрўйинг оқил олар экан,
Изларин кўзимга сургим келади,
Имом Бухорийни кўргим келади.

Эътиқод, қудратда буюк боболар,
Эл яшар тоабад суюк боболар,
Бибихоним қани, айтинг момолар,
Бибим суратини кўргим келади,
Темур ҳайратини кўргим келади.

Ҳур халқнинг азалдан фикри озода,
Закийнинг Оллоҳдан зикри озода,
Нодираи даврон, Сиздек хонзода,
Садоқати нурни кўргим келади.
Тафаккури дурни кўргим келади.

Мақтов дарёсига мироб эмасман,
Ёт элда ёв чалган рубоб эмасман,
Ердаги шоирман — офтоб эмасман,
Жон элим, эъзозинг кўргим келади.
Ҳурликда парвозинг кўргим келади.

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

# ИСТИҚЛОЛ ОФТОБИ

Туркиянинг Истанбул аэропорти кутиш залидамиз. Йўловчилар жаҳоннинг турли томонларига учиб турибди. Бизнинг самолёт жўнашига икки соатдан зиёдроқ вақт бор. Рўпарамга бир эркак, аёл келиб ўтирди. Қўлимда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» журнали. Қаршимдагилар назари менга тушганлигини сезиб салом бердим. Ҳалиги эркак «Сиз Тошкентданми?» деб сўради. Мен «ҳа» дедим. Маълум бўлишича, улар Австралияга, Мельбурн шаҳрига учишаётган экан. У ерда ўғли ва келинининг яшаши ва ишлашини айтишди.

Кутиш дақиқаларини гурунг билан тўлдиришга ҳаракат қилдик. Гап орасида улар ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик тантаналарини Тошкент телевидениеси орқали кўраётганликларини айтиб қолишди. «Бундай зўр шодиёна, тантанали байрам жаҳоннинг бирон мамлакатида йўқ» дейишди улар завққа тўлиб. Менинг эътиборимни тортган нарса улар Ўзбекистон ҳақида қувониб гапиришлари бўлди. Ўзбекистоннинг ҳамма соҳаларда ривожланаётгани, жаҳон миқёсида обрўси ошиб бораётгани уларни шодлантирганди. «Ҳар қалай, Ўзбекистон биз учун ота юртимиз-да», — деди суҳбатдошим. Бу гапларни эшитар эканман, қўлга олган шамчироғимиз — Мустақиллик юртимизга, элимизга нур таратганлиги туфайли биз ҳам дунёнинг турли бурчакларида эмин-эркин юрганлигимиз билан, Истиқлол неъматидан баҳраманд бўлаётганлигимиз билан ғурурландим, фахрландим. Беихтиёр бир воқеа ёдимга тушди.

1968 йили Жиззах туманининг Равот қишлоғида туғилиб ўсган, тақдир тақозоси билан Туркияда яшаётган бир ҳамқишлоғимиз тақдирини эсладим. Унинг ёлғиз муштипар онаси — Ойдин момо бор. Ўғли урушдан қайтиб келмади. Яккаю-ягона фарзанд уруш туфайли, тақдир-тақозоси билан Туркияда қолиб кетди. Лекин ўғилнинг армони онаизорини кўриш эди. У хат ёзди. Лекин келишга ҳеч имкон бўлмади. Бир неча бор шўролар ҳукуматига мурожаат қилди. Элчихоналарга борди. Ҳеч қандай рухсат бўлмади. Охири унинг ноласини худо эшитди, шекилли, келадиган бўлди. Келишидан бир неча ой олдин тегишли ташкилотларнинг кўзга кўринмас одамлари она яшаётган хонадонда бир неча бор бўлди. Бу ҳақда маҳаллий идораларни бир неча бор огоҳ қилди, кўрсатмалар берди. Ниҳоят, ўғил 1968 йилнинг ёз ойида келди. Буни қарангки, оғайнилариникига бориш у ёқда турсин, ҳатто туққан онаси билан ҳам паст овозда шивирлашиб гаплашар эди. 10-15 км нарида жойлашган ота қабрини зиёрат қилишга ҳам рухсат бўлмади. Бу гапларга ҳозирги авлод ишонмаслиги ҳам мумкин, Мен мустабид даврга хос бу воқеани эслашимдан мақсад мустақиллик қандай бебаҳо неъмат эканлигини таъкидлашдир. Мана энди ҳуррият туфайли ўзбек халқи дунё халқлари билан боришли-келишли, дўст-биродар бўлиб келмоқда.

Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида 1991 йилда Президент Фармони туфайли 108,5 минг гектар қўшимча ер ажратиб берилиб, томорқа майдонлари кенгайтирилди. Натижада мустақилликнинг дастлабки неъматларидан баҳраманд эл ризқли-насибали бўлди. Жиззах вилоятининг биргина Дўстлик туманида 2 йил давомида 8200 кв.метр уй-жой қурилди. 1820 оила қўшимча томорқада деҳқончилик қилди. Шундай қилиб шахсий томорқанинг умумий майдони мамлакатимизда ўша йил охирига бориб 516 минг гектардан ошиб кетди. Ваҳоланки, шўро ҳокимияти ўрнатилгандан буён жами ер участкалари 224,9 минг гектарни ташкил этган эди. Шу икки рақам қиёси ҳам истиқлол шарофатини кўрсатиб турибди-ку!

Азалий қадриятларимиз истиқлол туфайли халқимиз бағрига қайтиб келди. Мен ўтмишдан мисол келтириш орқали қандай ҳурликка эришганимизни айтиб бермоқчиман. Унда биз ёш бола эдик. Ўша вақтлари янги йил кириши йилбоши деб аталарди. Шундай йилбошилардан бири қишлоқ ўртасида жойлашган мачитда ўтди. Мачит пахта қуритиш цехига айлантирилган эди. Бутун қишлоқ аҳли турли таомлар олиб келиб, дастурхонга тортди. Давра тўрида қишлоғимиздаги ҳурматли, мулла Бобоқул бобомиз гап бериб ўтирарди. Шунда мачитга 3 та бегона киши узоқдан келаверди. Иккитасининг бошида телпак, биттасининг бошида шапка (кепка) бор эди. Биз болалар бир-биримизга «Ана, шапка кийган ўрис келаётир» деб қичқира бошладик. Шунда олағовур гаплар даврадагиларнинг бирига эшитилди, шекилли, «Ҳў, мулла бобо, вакиллар келаётир» деб хабар қилди. Улар ана-мана дегунча даврага келиб қолди. Биз болалар ҳам вакиллар орқасидан эргашиб келдик. Улардан бири — шапка кийган киши давранинг у бошидан бу бошига шипиллаб ўтди. Қишлоқ бригадири Ғаффор бобо уларга бригада аъзоларининг тушлик қилаётганини айтди. Лекин улар мулла бошчилигида йилбоши эмас, худойи қилмаётганмикин, деб шубҳаланди. Агар шуни аниқ билса мулла бобонинг аҳволи вой эди. Қарангки, бу қалтис вазиятдан мулла бобонинг ўзи чиқиб кетган эди. Бундан биз ҳам ҳайрон қолдик. Мулла бошидаги салласини бир зумда олиб хуржунига солиб, бошига яп-янги дўппи кийиб, ҳеч нарса кўрмагандек ўтирар эди. Кейин билсак, салласи бор одамларни мулла, диндор, худойининг бошида турган деб кўп овораю-сарсон қилар экан. Бояги вакилларнинг ташриф мақсади ҳам худди шундай экан. Бугун эса Наврўзимиз эндиликда қўлга олган шамчироқ туфайли байрамга айланди.

Улуғ бобокалонларимиз Ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Имом ал-Мотурудий, Бурҳониддин ал-Марғиноний ва бошқа-бошқа буюк мутафаккирларимизнинг пок номлари тикланиб, уларнинг табаррук жойлари зиёраттоҳларга айланди. Бу эзгу ишлар мустақиллик офтоби туфайли. Агар Юртбошимиз Ислом Каримов жасорат билан халқимиз ҳимоясига отланмаса, 80-йилларда рўй берган геноцид яна давом этиши мумкин эди. Марказдан келган «десант»чилар ўйлаб топган «Ўзбеклар иши» ва «Пахта иши» халқимиз бошига мудҳиш кунларни солди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган туҳмат ва адолатсизликлар боис халқимизнинг 4,5 мингдан зиёдроқ вакили ноҳақ жавобгарликка тортилди. Оқибатда минглаб бегуноҳ одамларимиз руҳан ва жисмонан азоб-уқубатга мубтало қилиндилар.

Минг шукрки, истиқлол офтоби жонажон Ўзбекистонимизни ҳамма соҳаларда ривожли, йўлларини ёруғ, равон қилди.

**Жўрақул ИСРОИЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

# Билиб қўйки, сени Ватан кутади!

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мамлакатимиз олий ўқув юртларида 100 дан ортиқ фан бўйича ўтказилаётган республика талабалар олимпиадаси ғолиблари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Учрашувни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев йиғилганларга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг магистратура, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига табригини ўқиб эшиттирди. У бугунги кунда "давлат" сўзи ёшларимиз учун мавҳум тушунча эмаслигини қайд этди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уни жамиятимизни тўлиқ янгилаш каби буюк мақсадга муносиб этиб тарбиялаш мамлакат раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Давлатимиз биринчи галда инсон, шахс тарбиясига катта сармоя сарфламоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳам ушбу мақсадга қаратилган. Бунинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Мустақил фикрловчи, аниқ ҳаётий мақсадга эга бўлган, ўз қобилияти ва билимларини Ватан тараққиёти йўлида бахшида этишга тайёр янги авлод вояга етмоқда.

Тошкент давлат техника университетининг 4 курс талабаси М.Эгамназаров, Ёш олимлар миллий жамияти раиси Э.Каримов ва бошқа сўзга чиққанлар бугунги олий ўқув юртлари, лицейлар ва коллежларнинг кўпчилик битирувчилари таҳсил олиш даврида мустаҳкам билим ва касбга эга бўлишганини таъкидлашди. Ҳар бир ёш мутахассис олдида халқимиз 10 йил аввал бошлаган демократик ҳуқуқий давлат, маънавият ва миллий истиқлол ғоясига асосланган жамият қуриш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш вазифаси турибди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Артур 15-марта жаҳон чемпиони

Артур Григорян ўзининг 15-жангида аргентиналик Альдо Назаряно Риосга қарши майдонга тушди. Профессионал рингда 30 та жанг ўтказиб, 29 тасида ғалаба қозонган лотин америкалик чарм қўлқоп устаси 31-жангини Артурга бой бергиси келмади. Ғалаба учун олиб борилган 12 раундлик оғир ва кескин жангда ҳамюртимиз Артур Григорян ғолиб чиқди ҳамда Жаҳон бокс ташкилоти (ВБО) йўналиши бўйича 15-марта жаҳон чемпиони бўлди.

**ЎзА.**




# Қишлоқда мини маркет

Мингбулоқ тумани улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик жамияти аҳолининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб «Гулбоғ» қишлоғида кичик маркет дўконини очди. Айни пайтда ушбу дўкон мижозлар билан гавжум. Чунки бу ерда куннинг истаган пайтида, истаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Бунинг устига шаҳарга қатнашдек ортиқча ташвишларга ўрин қолмади.



*СУРАТЛАРДА: янги дўкон фаолиятидан лавҳалар.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 194,85 |
| 1 Австрия шиллинги | 23,21 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 519,66 |
| 10 Бельгия франки | 79,16 |
| 1 Голландия гульдени | 144,90 |
| 10 Греция драхмаси | 9,38 |
| 1 Дания кронаси | 42,86 |
| 1 БАА дирҳами | 100,75 |
| 1 АҚШ доллари | 370,02 |
| 1 Миср фунти | 95,86 |
| 10 Испания песети | 19,19 |
| 100 Италия лираси | 16,49 |
| 1 Канада доллари | 242,64 |
| 1 Хитой юани | 44,70 |
| 10 Люксембург франки | 79,16 |
| 1 Малайзия ринггити | 97,39 |
| 1 Германия маркаси | 163,27 |
| 1 Польша злотийси | 93,94 |
| 1 СДР | 465,49 |
| 1000 Туркия лираси | 0,31 |
| 1 Финляндия маркаси | 53,71 |
| 1 Франция франки | 48,68 |
| 1 Швейцария франки | 208,54 |
| 1 ЕВРО | 319,33 |
| 10 Жанубий Корея вони | 2,86 |
| 10 Япония иенаси | 30,13 |
| 1 Россия рубли | 12,73 |
| 1 Украина гривнаси | 68,43 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

2000-2001 ўқув йилида тўлиқсиз ўрта (9 синф) ва ўрта (11 синф) маълумотига эга бўлган

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Билим юрти Тошкент шаҳри ҳамда республика вилоятларининг даволаш муассасаларида ишлаш учун «Ҳамширалик иши», «Тиш врачи» ҳамда «Акушерлик иши» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Билим юртига Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг фуқаролари ётоқхона билан таъминланмаслик шарти билан қабул қилинадилар.

11 синфни тугатган ўқувчилар учун:
- «Ҳамширалик иши», ўқиш муддати 1 йил 10 ой;
- «Тиш врачи», ўқиш муддати 2 йил 10 ой;
- «Акушерлик иши», ўқиш муддати 2 йил 6 ой.

Кириш имтиҳонлари тест синови асосида биология, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти фанларидан ўтказилади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган 9-синф ўқувчилари учун ўқиш муддати 2 йил 10 ой. Кириш имтиҳонлари она тили (диктант) ва биология (одам анатомияси, зоология ва ботаника) фанларидан оғзаки ўтказилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

11 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар учун ҳужжатлар 20 июндан 25 июлга қадар қабул қилинади.
9 синф маълумотига эга бўлган абитуриентлар учун ҳужжатлар 20 июндан 31 июлга қадар қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Е»-мавзе (собиқ 66-ўрта мактаб), метронинг «Ҳамза» бекати. Автобуслар: 77, 132, троллейбус 6, трамвайлар: 4, 9. Телефон 77-85-94.

4360




Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан нозир Ш. Шоминовга берилган 963951 рақамдан 963975 рақамгача бўлган, жами 25 (йигирма беш) дона 05-шаклдаги, 2001 йил 8 июнда йўқотилган, патталар бекор қилинади.

## Ўқинг, уқинг...

*Сингилим сен худодан сўрама тилла, Шундай бир инжу бор қалбдан унгувчи...*

# София Сафтарова София Ротару бўла оладими?

София Сафтарованинг ана шу қўшиғи куни кеча «Халқлар дўстлиги» саройида унинг ижросида янгради. Шунда барча мухлисларнинг вужуди селдек оқди гўё. Шу сабабли, Софияхонимдан кўнглимдаги саволларимни сўрадим.

**— София опа, қўшиқларингизнинг аксариятида Самарқанд оҳанглари янграйди. Бу шу оҳангларни сизнинг ижодингизга сингиб кетганиданми ёки бошқа сабаблари ҳам борми?**

— Агар эътибор қилган бўлсангиз, либосларимда ҳам бу нарса сезилади. Миллийликни кўпроқ қадрлайман. Бундан ташқари, Самарқандда ўзига хос қўшиқчилик мактаби бор. Мен ўша ерда яшайман, ижод этаман.

**— Кечирасиз-у, кечагина қўшиқ айтишни бошлаган баъзи ёш санъаткорлар клип чиқаришаяпти. Сиз клип чиқаришни хоҳламайсизми?**

— Очиғини айтсам, бунга унча эҳтиёж сезмайман. Чунки ҳақиқий овозга эга бўлган санъаткорнинг истеъдодини халқ барибир севади, қадрлайди. Клип билан уларни алдаб бўлмайди.

**— София Сафтарова София Ротарудай бўла оладими?**

— Йўқ. София Ротарудай бўлишга даъво қилолмайман. У киши буюк санъаткор. Бироқ София Ротару ижодидан анча нарса ўрганганман. Масалан фақатгина бир хил эмас, ҳар хил мавзуда — Ватан, Она, Фарзанд ва бошқалар ҳақида куйлайман. Турли тилларда қўшиқ ижро этишимни ҳам у киши билан қиёсласа бўлади. Мен эрон, турк, озарбойжон, араб тилларида ҳам куйлайман.

**— София Сафтарова кинода рол ўйнар эмиш, деган «миш-миш»лар қулоққа чалиниб қолаяпти.**

— Тўғри, баъзи ведофильмларга рол ижро этишга таклиф қилишди, лекин рад этдим.

**— Нега? Ахир кўпчилик машҳур санъаткорларимиз ўз истеъдодларини кинода ҳам синаб кўришаяпти.**

— Менинг ҳам ниятим йўқ эмас. Фақат кўнглимга яқин бўлган образ бўлса, онами, севимли ёрми. Аммо, сира салбий рол ижро этишни истамасдим. Чунки хонанда сифатида мени яхши кўрган мухлисларим ёмон кўриб қолишларини хоҳламайман.

**— Сиз билан бирга саҳнада қўшиқ ижро этган хонандалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Равшан Тўхтаев ҳамда Зоҳиджон қори Салимов. Ажойиб овозга, истеъдодга эга санъаткорлар. Уларнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман.

**— Чет эл сафарларида ҳам бўлганмисиз?**

— Йўқ. Аммо, бир орзуимиз чет элга чиқиб, ўз санъатимиз билан Ватанимиз обрўсига-обрў қўшиш. Бизга кўмаклашадиган ҳомий бўлса жуда хурсанд бўлардик.

**Наргиза РАҲМАТОВА суҳбатлашди.**

# Олтинчи турнирнинг бешинчи ғолиби



Пойтахтимиздаги "Динамо" теннис кортларида бир ҳафта давом этган Sanex WTA Tashkent open халқаро турнири ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада йигирмага яқин давлатдан машҳур катта ракетка усталари иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, олтинчи марта ўтказилган турнир "Tashkent open"нинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганини яна бир карра исботлади.

Ўзбекистонда спортни, хусусан, теннисни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзи ва баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган катта эътиборнинг ҳосиласи бу, деб баҳолашди беллашувга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар. Чиндан ҳам мамлакатимиз қисқа фурсат ичида Осиё қитъасининг теннис пойтахтига айланганидан фахрлансак арзийди. Ҳар бир вилоятда замонавий кортлар қад ростлагани, "Фьючерс", "Челенжер"дан тортиб, АТП таснифидаги мусобақаларнинг юксак савияда ташкил этилаётгани кўпчиликнинг ҳавасини келтираётгани ҳам рост.

"Tashkent open-2001"нинг ҳал қилувчи учрашувида германиялик Бианка Ламаде ва Седа Норландер (Голландия) кортга тушишди. Дастлабки сетнинг биринчи-иккинчи гейми Бианканинг яққол устунлигини кўрсатди. Унинг тўп узатишдаги кучли зарбалари Седага анча қийинчилик туғдирди. Натижада биринчи сет 6:3 ҳисобида германиялик теннисчи фойдасига ҳал бўлди.

Иккинчи сетда эса мухлислар умуман аксинча манзаранинг гувоҳи бўлишди. Голландия вакиласи гўё иккинчи нафас йўли очилгандай кетма-кет очколарни қўлга кирита бошлади. Рақибасининг алдамчи ҳаракатларига дош беролмаган Бианка 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Аммо якунловчи сетда маҳорат барибир ўз сўзини айтди. Ва Б.Ламаде олтинчи бор ўтказилган турнирнинг бешинчи ғолиби бўлиш билан бирга 22 минг АҚШ долларини ҳамёнига жойлаб қўйди. Бианкага довур австриялик П. Вартуш (1996,1998), мексикалик А.Гавальдон (1997), исроиллик А.Смашнова (1999) ва ҳамюртимиз И.Тўлаганова (2000) мазкур мусобақанинг бош мукофоти билан тақдирланган эдилар.

— Ғалаба қозонишимда катта ёрдам берган томошабинлардан миннатдорман, — дейди ўйиндан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Б.Ламаде. — Мени қўллаб-қувватлаган мухлислар ҳузурига кейинги йил яна келиш истаги туғилганини ҳам айтиб қўймоқчиман. Яна бир гап: мамлакатингиз одамларининг нигоҳига боқиб шуни англадимки, уларнинг юрагида, қалбида жуда катта меҳр, муҳаббат мужассам экан. Ана шу меҳрнинг бир қисми менга аталгани, сизлар тақдим этган мана бу миллий либос кейинги ўйинларимда катта куч бағишлайди деб ўйлайман. Ҳаммангизга раҳмат!

**Озод РАЖАБОВ, Нўъмонжон МУҲАМАДЖОНОВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Мукофотга — газета

*Эшитдингизми?*

Жамоатчи мухбир Азаматжон Маҳмудовнинг хабар қилишича, Балиқчи тумани марказий шифохонаси маъмурияти, ажойиб ташаббусга қўл урибди. Тиббиёт ходимлари байрами муносабати билан 100 нафар шифокор ва ҳамширани туманда чиқадиган «Ғалаба» газетасига обуна қилибди.

Энди касалхона ходимлари йил охиригача маҳаллий янгиликлардан вақтида бохабар бўлиб борадилар. Буни маънавиятга ҳақиқий эътибор деса бўлади!

## Ҳикмат

**Ҳунар бирла ақлинг бириккан замон —**
**Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.**

# Ўқишга кириш учун имтиёз

*Сўранг, жавобини айтамиз*

***— Муддатли хизматдаги ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига қандай имтиёзлар белгиланган?***

***И.Тоиров, Жиззах вилояти.***

**Ушбу саволга республика Ҳарбий прокуратураси ходими, адлия капитани Б.Ҳасанов қуйидагича жавоб беради:**

— Ватанни ҳимоя қилиш ишининг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳарбий бурчни виждонан бажаришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 3 октябрда тегишли қарор, 1994 йил 30 ноябрда эса Фармойиш қабул қилганди. Уларга мувофиқ:

— 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли хизматдаги ҳарбийларнинг ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари махсус ўқув юртлари курсантларининг ҳар ойлик пул таъминоти ўртача уч баравар оширилди.

- Ҳарбий хизматчиларнинг муддатли хизматни ўташ вақтидаги бир ойлик меҳнати икки ойга ҳисоблаган ҳолда уларнинг иш стажига қўшиладиган бўлди;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳамда ҳарбий қисмларнинг тавсияномаларига эга абитуриентларнинг тест синовлари чоғида тўплаган балларига энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизи қўшилади;

- муддатли хизматдаги ҳарбийларнинг оилалари шу даврда ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августидаги Қонунига асосан муддатли хизматдаги ҳарбийлар, старшиналар, прапоршиклар ва катта прапоршиклар, мичманлар ва катта мичманлар шаҳар йўловчи ташиш транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланишади.

## Жумбоқ



*Икки ота ва икки ўғил 3 тухумни едилар. Уларнинг ҳар бири нечтадан тухум еган?*

16 июндаги жумбоқнинг жавоби **вергул (,)**.

Бу жавобни тошкентлик Наргиза Обидова 136-29-89 телефони орқали айтди.

## Ҳандалар

**Концерт пайтида бир аёл эрини туртиб деди:**

**— Қаранг, анави киши концерт пайтида ухлаб ўтирибди-я.**

**— Шуни деб мени уйғотганингни қара-я! — деди эри жаҳли чиқиб.**

* * *

— Хотинининг ажралиш учун судга ариза берибди деб эшитдим, шу ростми?

— Рост, аммо мен ҳам худди шундай қилганман.

— Дўстим, хотининг билан сўзларинг бир жойдан чиққан экан, нима қилардинглар ажрашиб?

* * *

**— Мен уйланадиган бўлсам, — деди бир йигит мақтаниб, — кўпгина қизлар бахтсиз бўлишади.**

**— Нечта қизга уйланмоқчисан ўзи?**

* * *

Судья даъвогардан сўради:

— Жаноб, айтингчи, айбланувчи сизни туя деб атабди. Шу тўғрими?

— Тўғри, — деди даъвогар.

— Тўғри бўлса, шикоят ёзиб нега бошимни қотирасиз?

## Қизиқканга кенг дунё

**Ёзув машинкаси матбаачилик тараққиёти давомида амалга оширилган муҳим ихтиролардан бири сифатида юзага келди. Уни яратиш устида XVIII асрдаёқ уриниб кўришган эди.**

**Амалда қўллана бошлаган илк ёзув машинкасини эса 1867 йилда америкалик топограф К.Шоулз ихтиро қилган. У ўз ишини давом эттириши учун маблағ топа олмаганидан ихтиро патентини машинасозлик фабрикасининг хўжайини Ремингтонга сотади.**

**XIX аср 70-йилларидан бошлаб кейинчалик «Ремингтон» деб ном олган ёзув машинкалари кенг кўламда ишлаб чиқарила бошланди. Ҳақиқий ихтирочи — Шоулз номи эса унутилди.**

**XIX аср охирига келиб бундай машиналарнинг 40 дан ортиқ хили ишлаб чиқилди. Сўнг тезда савдо, банк идораларида, турли ташкилот ва муҳарририятларда асосий иш қуроли перо бўлган ёзувчи, кўчирувчилар ўрнини машинисткалар эгаллай бошлади.**

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

## Ҳукмдан сўнг

# Аёл макри



1999 йилнинг баҳори. Тўрақўрғон шаҳрида Зуҳрахон Абсаттoрова деган аёл пайдо бўлдию, «Америкага ишга олишармиш» деган миш-миш тарқалди. Бу хушхабарни эшитганлар ҳар ёқдан шаҳарчага кела бошладилар. Наманган шаҳар, Бобур кўчасида яшовчи фуқаро Баҳодир Ҳожиев ҳам чет элга боришга қизиқиб қолди. У «Ширинлик» маданият саройи атрофида юрган эди, олдидан башанг кийинган, қора сумка кўтариб олган, тўладан келган аёл ўтиб қолса, бўладими. У Баҳодирга тикилиб қарар экан, аста сўз қотди:

— Эҳтиёт, Америкага ишга бормайсизми?

Баҳодир қидираётган кишисини учратганидан ўзида йўқ хурсанд бўлди.

— Бу иш билан сиз шуғулланасизми? Топишганимизни қаранг-а. Мен сизни кўпдан буён истаб юрардим.

Зуҳрахон Баҳодирни океан ортида ишлашга ростдан ҳам қизиқаётганини сезиб, мақсадга кўчди:

— Бу иш осонликча бўлмайди, йигит. Анча-мунча харажати бор, чидайсизми?

— Ҳар қанча бўлса тайёрман. Фақат ўша мамлакатда ишласам бас.

Тузоғига осонликча илинаётганини сезган Зуҳрахон дангалига кўчди:

— 700 АҚШ доллари ва 13 минг сўм берсангиз вассалом, Америкага учиб кетасиз.

Баҳодир бироз хаёлга берилиб, доллар топиш мушкуллигини, уни камайтиришни илтимос қилди. Зуҳрахон, унга деди:

— Сиз менинг биринчи «клиент»ларимдансиз. Майли айтганингиз бўлақолсин. 650 АҚШ доллари берасиз.

Баҳодир бу шартга кўнди. Лекин Зуҳрахон унга бўш куни Тошкентга, Америка элчихонасига бирга бориб келишни айтди. Белгиланган куни енгил автомашинада икковлон пойтахтга жўнашди. Зуҳрахон Баҳодирни элчихона дарвозаси олдида қолдириб, ўзи ичкарига кирди. Қоровул билан гаплашгандай бўлди ва тезда ортга қайтди.

— Америкага мана шу жойдан жўнатилади, — деди у. Шундан сўнг Баҳодир ишонди ва доллару, пулни дарров санаб берди. Ўз навбатида аёл «мижоз»нинг паспортини «Ҳужжатларни расмийлаштиришда керак бўлади», деб олиб сумкасига солди. Баҳодир ширин орзулар оғушида Тўрақўрғонга қайтди.

Шу тариқа икки-уч ой ўтди. Зуҳрахондан эса ҳеч қандай хабар йўқ. Диққати ошиб, Баҳодир аёлни қидирди. У билан топишган жойда «учраб қолар» деб кунни ўтказди. Тошкентга борди. Минг афсуски, бу ерда ҳам ўзи қидираётган аёлга дуч келмади. Ҳайрон бўлиб, боши қотди. Ана шундан кейин фирибгарнинг тузоғига илинганини англади. У тўғри Тўрақўрғон тумани ИИБга келиб, бўлиб ўтган воқеа хусусида гапириб берди.

Аниқланишича, Зуҳрахон Абсатторова ўнлаб содда кишиларни «Америкага ишга жўнатаман» деб лақиллатиб, кўп миқдордаги АҚШ доллари ва ўзбек сўми олган экан. Жумладан, у Наманган шаҳар, 3-Бурилиш, Лангар кўчасида яшовчи Фозилжон Султоновдан 750, Ғалча кўчасида турувчи Шокир Обидовдан 750, Феруза кўчасидан Ҳотам Азизовдан 620, шу тариқа яна шаҳарлик фуқаролар Одил Азимовдан 650, Баҳодир Отамирзаевдан 350 АҚШ долларини санаб олиб, сўнг жуфтакни ростлаб қолган. Шунингдек фирибгар аёл Тўрақўрғон, Наманган ва Уйчи туманларида яшовчи бир қанча фуқароларни ҳам кўп миқдордаги пулини алдаб олган. У ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам «каромат» кўрсатган. Шайҳонтоҳур тумани, М-26да яшовчи Одина Жабборованинг бошини айлантириб, 350 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Устомон Зуҳрахон Абсаттoрованi Тўрақўрғон тумани ИИБ томонидан қўлга тушириш осон кечмади. Фирибгар бир йилдан ортиқ муддат қидирилди. Ана шу вақт мобайнида у Наманган, Тошкент шаҳарлари, Россия Федерациясининг турли жойларида тутқич бермай, Наманган шаҳридаги ўз уйи, ҳатто фарзандлари дийдоридан узоқда кунларни ўтказди.

Туман ИИБ томонидан З.Апсаттoрованинг қилмиши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми, «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этгани аниқланди. Унинг айби барча фуқаровий даъвогар, гувоҳларнинг кўргазмалари, иш бўйича олинган бир қатор ашёвий далиллар ва жиноят ишининг бошқа материаллари билан тўла исботини топди. Лекин З.Абсатторовага нисбатан суд амнистия фармонини қўллади. У жиноий жавобгарликдан озод этилди. Даъвогарларга етказилган зарарни ундириш учун туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилди.

Дейлик, фирибгар суд томонидан бериладиган жазодан қутулиб қолди. Лекин у бир умр шармандаликдан қутиламикан?

**Камолиддин ОБИДОВ, Тўрақўрғон тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.**

**Эркин ҚАМБАРОВ, журналист.**









Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси мазкур бошқарма ходими **Александр Суренович САРКИСОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Комил Қурбоновга акаси **Ғайрат ҚУРБОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг жамоаси жамғарма марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоевга ўғли **БАХТИЁРнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, оила аъзоларига сабру тоқат тилайди.

«Маънавият» нашриёти ижодий жамоаси нашриёт ходимаси Мавлуда Муҳиддиновага опаси **Шоиста ИСЛОМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2515, 26098 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Ғ. ЖАБИЕВ.
Мусаҳҳиҳ — А. ЭШҚУЛОВ.

· МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30.*
1 2 3 4 5 6